

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАБУЛОВА ЗАМИРА АДИБАЕВНА

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИДА
АНЪАНА ҲАМДА ШАКЛИЙ-УСЛУБИЙ
ИЗЛАНИШЛАР

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Кабулова Замира Адилбаевна

Ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятида анъана ҳамда шаклий-услугий
изланишлар..... 3

Кабулова Замира Адилбаевна

Традиция и формально-стилистические изыскания в узбекской и
каракалпакской поэзии..... 23

Kabulova Zamira Adilbayevna

Tradishion and formal-stilistik of karakalpak and uzbek poetry..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/03.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАБУЛОВА ЗАМИРА АДИБАЕВНА

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИДА
АНЪАНА ҲАМДА ШАКЛИЙ-УСЛУБИЙ
ИЗЛАНИШЛАР

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.PhD/Fil709 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.karshidu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўраева Дармон Саидахмедовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жўракулов Узоқ Ҳайдарович филология фанлари доктори Якубов Ислонжон Ахмеджанович филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунин тарқатилди.
(2020 йил _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги барча халқлар шеъриятида ранг-баранг ижодий-услубий изланишлар юз беришида жаҳон адабиёти анъаналари, адабий-маданий алоқаларнинг таъсири катта. Натижада қардош халқлар шеъриятида жанрлар салмоғи ортиб, бадий структураси, ифода услуби, мазмун мундарижаси, образлар таркиби бойиб, лирик қаҳрамон руҳиятини очишга эътибор кучаяётгани кузатилади. Бундай поэтик ўзгаришларга дахлдор шеърий қонуниятларни, стилизация ва бадий синтез хусусиятларини аниқлаш қардош халқлар лирикасининг ўзаро адабий таъсирга асосланган бадий такомил белгиларини далиллашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида яратилаётган асарларнинг мавзу йўналиши, бадий-композицион, лингвопоэтик хусусиятларини бевосита ижодкор дунёқараши, услубий маҳорати билан боғлаб ўрганишга, бунда Ғарбу Шарқ фольклори, мумтоз ва замонавий адабиёт анъаналарининг синтезлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгича пафос билан бадий шакл, мавзу, мотив, образ танлашда эргашгани, натижада миллат шеъриятида шаклий-услубий изланишларнинг ўзига хос кўринишларда янгилангани намоён бўлади. Шеъриятдаги анъаналар типологиясини, спецификасини, шаклий-услубий изланишлару янгиланишларда яқинликлар борлигини, бунда адабий таъсирнинг ўрни ҳамда ролини, миллий менталитетнинг сақланишини адабий жараён сифатида тизимли таҳлил орқали асослаш адабиётшунослигимиз назарий-амалий ривожига хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён адабиёт, санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори сифатида қаралаётгани шеърият соҳасида унинг етакчи тараққиёт тамойилларини, ижодкорлар услубидаги бадий изланишларнинг асосларини, анъана, новаторлик, адабий алоқа ва таъсир масалаларини, поэтик тафаккур, мавзу танлаш, образ яратиш, кўчимлардаги янгиланишларга хос белгиларни қиёсий ўрганишга нисбатан қизиқишни янада орттирди. “Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда”¹. Шу маънода у акс этган адабиётимиз намуналарини ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сонли Фармони, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон Қарори. Lex.uzинтернет нашри. – 2019 йил, 5 октябрь.

ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятида анъана ва шаклий-услубий изланишлар алоқадорлиги махсус тадқиқот объекти сифатида монографик планда ўрганилмаган бўлса-да, масаланинг айрим қирраларига И.Султон, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, Й.Солижонов, И.Ҳаққулов, Д.Тўраев, Қ.Йўлдошев, Қ.Оразимбетов, Н.Жабборов, Д.Қурононов, Ш.Ҳасанов, У.Жўрақулов, Б.Каримов, У.Ҳамдамов, Д.Қувватова, И.Қурбонбоев, М.Холоваларнинг² тадқиқотларида лирик жанрлар, уларнинг табиати ва тараққиёти, бунда анъана ва новаторлик, индивидуаллик, адабий таъсир, модернистик изланишларга берилган эътибор алоҳида диққатни тортади.

Шундан келиб чиқиб, ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятининг ўзаро адабий алоқага асосланган тараққиёт хусусиятларини, унга жаҳон шоирлари адабий-эстетик тажрибаларининг таъсирини дунё адабиёти контекстида аниқлаш

² Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – 456 б.; Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 352 б.; Умуров Ҳ. Тирик шеърлар поэтикаси. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 128 б.; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007 – 260 б.; Солижонов Й. Лирика нафосати, насринг назокати. (Адабий-танкидий мақолалари). – Тошкент: “Адабиёт учкунлари”, 2018. – 68 б.; Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Тошкент: Фан, 2009. –360 б.; Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 200 б.; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 488 б.; Қ.Оразимбетов. Танламалы шыармалар топلامы. Еки томлык. I том. (80-жыллар лирикасы мысалында). – Нокис: “Билим” баспасы, 2018. – 408 б.; Жабборов Б. Замон, мезон, шеърлят. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.; Қурононов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 128 б.; Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. – Самарқанд, 2001. – 142 б.; Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2004. – 284 б.; Жўрақулов У. Худудсиз жилва (илмий-адабий мақолалар) – Тошкент: Фан, 2006. – Б.34-75; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015. –356 б.; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 364 б.; Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.; Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърляти. Илмий мақолалар. – Тошкент: “Адиб”, 2012. – 304 б.; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 144 б.; Есенов Ж. Поэзия жулдызы. (И.Юсуповтын доретиўшилигининг гейпара мээселери). – Нокис: “Билим” баспасы, 2003. – 112 б.; Қурбонбоев И. Ҳозирги ўзбек лирикаси. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 54 б.; Холова М. Ўзбек модерн шеърляти: тарихи ва назарияси. – Тошкент: Мухаррир, 2018. –116 б.

хамда адабий таъсир асосида юз берган жанрий, услубий такомил белгилари, стилизация ва синтезлаш ҳодисалари, поэтик синтаксис, мавзу ва шакл, образ ва мотив, бадиий кўчимлардаги янгиликларни ёритиш адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб масалалардандир.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Қорақалпоқ давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қорақалпоқ шеърияти поэтик тараққиётининг умумий ва хусусий белгиларини анъаналар ва услубий янгиликлар асосида аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўзбек ҳамда қорақалпоқ шеъриятининг яқинлигини таъминлаган ижтимоий-психологик омилларни ёритиш;

ўзбек ва қорақалпоқ шеърияти поэтик такомилда иккала халқ шоирлари ўртасидаги адабий алоқа, ўзаро таъсирнинг ўрни, анъаналар синтезининг аҳамиятини асослаш;

ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятидаги янгича шаклий-услубий изланишларнинг кўринишларини аниқлаш;

ўзбек ва қорақалпоқ шеърияти бадиий тараққиётига уларнинг фольклори, мумтоз адабиёти, Шарқу Ғарб назмига хос жанр, мотив, образ, ифода услуби, лингвистик тасвир воситаларнинг поэтик таъсирини далиллаш;

ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида жанрлар бадиий структураси, ифода услуби, мазмун мундарижаси, образлар таркиби, лирик қаҳрамон пафоси, руҳий кечинмалари талқинида ижодкор маҳорати билан боғлиқ янгиликларни очиш;

ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятидаги поэтик ўзгаришлар бадиий ижодга хос умумий адабий-эстетик қонуният, тамойил, анъаналар асосида ўзаро алоқадорликда кечиши баробарида ижодкор тили, дунёқараши, эътиқодий қарашлари, амал қиладиган урф-одатларига боғлиқ ҳолда миллий руҳ касб этиши ҳамда шунга кўра турли маъно хилма-хилликларига эга бўлишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек шоирларидан Ж.Камол, Р.Парфи, И.Отамурод, Ш.Раҳмон, Фахриёр, А.Қутбиддин, С.Саййид, Ш.Эшқобил У.Ҳамдам, Ф.Афрўз, қорақалпоқ ижодкорларидан эса И.Юсупов, Б.Генжемурод, Ж.Избосканов, С.Ибрагимов, Г.Даўлетова, М.Жуманазарова, Г.Нурлепесова, М.Низанов, К.Реймов, Н.Торешоваларнинг шеърий тўпламлари танланди. Улар тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро қиёсий аспектда ўрганилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари, поэтик такомил асослари, уларда кечган янгича шаклий-услубий изланишлар кўринишларининг муштарак қирралари тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структур таҳлил ҳамда психоаналитик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг адабий алоқа ҳамда ўзаро таъсирга асосланган поэтик тараққиёт хусусиятлари, ижтимоий-психологик омиллари аниқланган;

фольклор, мумтоз назм, Шарқу Фарб лирик анъаналари синтези ўзбек ва қорақалпоқ замонавий шеърияти қиёсланиши асосида далилланган;

Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида мавзу, жанр, мотив, образ, ифода услуби, лингвистик тасвир воситалари, бадиий кўчимларни янгича қўллаш кўринишлари очиб берилган;

ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида жанрлар бадиий структураси, мазмун мундарижаси, образлар таркиби, лирик қаҳрамон пафосию рухий кечинмалари талқинида ижодкор бадиий тили ва услуби, дунёқараши, миллий эътиқоди билан боғлиқ жиҳатларнинг аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва қорақалпоқ поэтик тараққий топишида улар ўртасидаги маданий алоқа, адабий таъсир аҳамият касб этгани; фольклор, мумтоз, жаҳон адабиётидаги бадиий-эстетик тажрибалар, анъаналар синтези амалга оширилгани, фикр-туйғу, шакл-маъно мутаносиблиги ранг-баранг янгича шаклий-услубий изланишларга замин яратгани исботланган;

Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг алоҳида ҳамда муштарак жиҳатлари ижодкорларнинг лирик кечинмаси моҳияти, рухий-фалсафий тафаккури, миллий руҳ колорити, ментал хусусиятлари асосида далилланган;

жаҳон, жумладан, ўзбек ижодкорлари шеърияти қорақалпоқ шоирлари учун ижодий манба бўлиб хизмат қилгани қиёсий-типологик аспектда аниқланган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўйилган муаммонинг дунё адабиётшунослигидаги замонавий илғор тадқиқ усуллари воситасида ечилганлиги, назарий маълумотларнинг илмий, бадиий манбалардан олинганлиги ҳамда ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон шеърияти намуналари ўзаро қиёсланиши асосида уларга хос хусусиятлар бўйича чиқарилган илмий хулосаларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг алоҳида, ментал хусусиятлари ҳамда типологик белгиларининг қиёсий ўрганилиши орқали чиқарилган илмий-назарий умумлашмалар жаҳондаги турли халқлар лирикаси хусусиятларини ўзаро чоғиштириш учун яратилажак кейинги тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги ўзбек, қорақалпоқ адабиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий адабиёт яратишда, ўзбек ва қорақалпоқ шеърляти юзасидан обзор маъруза, махсус курс, семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятидаги асосий тамойиллар, хусусан, шаклий-услубий изланишларнинг ўзига хослиги борасида олинган илмий натижалар ҳамда таклифлар асосида:

ўзбек ва қорақалпоқ шеърляти поэтик тараққиётнинг омилларига оид материаллар, таҳлилий хулосалардан ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада лирик жанр поэтикасига оид масалаларни ёритишда, ўзига хослигини ўрганишга доир тадқиқотларни яратишда муҳим назарий-амалий манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 24 октябрдаги 17.01/151-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ шеърлятидаги айрим жанрларнинг шаклий янгиланишида қорақалпоқ фольклори, мумтоз адабиёти жанрларининг таъсири далилланган;

ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятидаги асосий мавзу-мундарижанинг юзага келиш омилларини ўрганиш, лирикадаги кечинма табиати, образларни тавсифлаш, поэтик матрица, метафора, ташбеҳлар яхлитлиги муносабатини ёритиш билан боғлиқ хулосалардан Бердақ номидаги Миллий музейда кўргазма ва экскурс, сайёр дарслар ўтишда ҳамда илмий-назарий анжуманларда талабаларга маъруза шаклида тарғиб қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 16 сентябрдаги 2-04/1800-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот хулосалари ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятининг тараққиёт тамойиллари хусусидаги хулосаларни амалиётга татбиқ этишда манба вазифасини бажарган;

ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятидаги поэтик янгиланишлар замирида юзага келган шаклий-услубий изланишлар тараққиётига доир хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси телекўрсатув ва радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2019 йил 25 октябрдаги 4415-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ҳамда радиоэшитувчиларнинг шеърлятга бўлган тасаввурларини бойитишда, китобхонларнинг шеърлят мутолаасига кизиқишларини орттиришда, шунингдек, тадқиқот хулосаларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 6 та, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 133 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад-вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва қорақалпоқ шеърятининг типологик хусусиятлари**” номли биринчи боби “Ўзбек ва қорақалпоқ шеърятини такомилда ижтимоий-адабий алоқалар ўрни”, “Замонавий ўзбек ва қорақалпоқ шеърятини поэтик тараққиётининг ўзига хос белгилари” деб аталган икки фаслдан таркиб топган.

Кузатишларимиз жараёнида шунга гувоҳ бўлдикки, аксарият қорақалпоқ шоирлари ўзбек элига ўзининг чин фарзандлик туйғусини ифода этиб, уни ўз кадрдон эли ва халқи баробарида севишини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, қорақалпоқ шоири А.Ажиниёзов (1937-2001) “Ўзбекистон – ўз элатим, ўз элим” шеърида бу борадаги туйғуларини тўғридан-тўғри қуйидаги сатрлар орқали самимий намоён этади:

Қўнсам – уям, учсам осмоним менинг
Ўз элатим, “Ўзбекистоним менинг”.³

Ушбу шеърда Ал-Беруний, Хожа Аҳмад Яссавий, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний, Улуғбек, Навоий, Бобур исмлари, Самарқанд, Зарафшон, Конимех, Андижон, Наманган, Сурхон, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Чирчиқ, Тошкент топонимлари талмеҳ сифатида келтирилган. Шоир Ўзбекистонни “иймоним менинг” деб атаб, унга “мангу бўл омон” деганча, олқиш йўллайди. Жами тўққизта олтилик ва иккита тўртлик, жами олтмиш икки мисрадан иборат мазкур шеърнинг беш олтилиги бевосита “менинг” раифи билан яқунланганлиги унинг Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг “Ўзбекистон ватаним маним” шеърига ғоявий ва шаклий жиҳатдан ёндашиб ёзилганлигини кўрсатиб туради.

Н.Тўрешова “Қорақалпоғистоним менинг” шеърида Марказий Осиёда яшовчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари билан туғишганлигини катта фахр билан таъкидлаган. Шу фахрланиш ҳиссидан келиб чиқиб, у мазкур шеъри жанрини “Тэрийп” деб кўрсатган. Бунда шоира ўз юртини худди ўзбек

³ ХХ асир қарақалпоқ поэзияси антологияси. I том. – Нөкис: Билим, 2018. – Б.178-180.

шоири А.Ориповга ўхшаб “Бейишим, бостаным мениң, Каракалпақстаным мениң” деб юқори пафосда мадҳ қилган.

Хусусан, қорақалпоқ шоирларининг ўзбек шоираси Зулфияхонимга атаб ва эргашиб ёзган шеър-ғазаллари алоҳида эътиборни тортади. Жумладан, Н.Тўрешованинг “Шайыра Зулфияга” ғазали⁴ бунга мисол бўлса, Г.Нурлеспесованинг “Мен қосық жазсам...” шеъри ўзбек шоири Омон Матжоннинг “Зулфияга кўшиқ” шеърдан олинган “Мен кўшиқ ёзсам, Энди уни қоғозга эмас, Тўлқин оққан Жайхуннинг сўзларига ёзаман” мисраларини иқтибос келтириш билан бошланган.⁵

Ўзбек шоирлари шеърларидан эпиграф олиш ҳолати қорақалпоқ шоирлари ижодида ўзига хослик сифатида кўп кузатилади. Бунга Г.Нурлеспесованинг “Сондай нәмәртлерге күниң қалмасын!” шеърда келтирилган А.Ориповнинг “Марднинг ит олдида чўкканин кўрдим, Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасын” мисраларини эпиграф олганини мисол қилиш мумкин.⁶ М.Низановнинг “Қарлығашларга бер айўанларыңды” шеърига С.Саййиднинг “Эгаси бор юрт” шеърда келтирилган “Қалдирғочларга бер айвонларингни, Қушнинг ҳам бек билан бекаси бордир” мисралари эпиграф сифатида танланган.⁷

Г.Даўлетованинг «Және бәхәр келди» (“Яна баҳор келди”) шеъри шоира Зулфиянинг турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб, “Ўрик гуллаганда” шеърига жавобан ёзилган “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеърига ўхшаб кетади. Шоира унда шундай ёзади:

Және бәхәр келди, бирақ өзин жоқ.
Фархадын излеген Шийрин боларман.⁸

Худди шу шоиранинг “Ҳазирети ҳаял!” (“Ҳазрати аёл”) шеъри эса беихтиёр Ҳ.Худойбердиеванинг “Муқаддас аёл” шеърининг мазмуни ва оҳангини ёдга солади.

Тўғри, қорақалпоқ шоирлари ижодида мавзуларнинг кўпроқ шу халқ ҳаёти, маданий турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати, иқлим шароити билан боғлиқликда танлангани кузатилади. Масалан, Оролни асраш қорақалпоқ шоирлари ижодининг энг долзарб мавзуларидан биридир.

Умуман айтганда, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасидаги ягона кайфият, ўзаро адабий алоқаларнинг яқинлиги, турфа хил характердаги асрлар давомидаги “бадий озиқ”ланишларнинг ўзиёқ, бир-бирини тўлдирувчи моҳият билан ўлчанишига асос бўлади.

Ўзбек ва қорақалпоқ шеърляти борасидаги типологик ўхшашликларни куйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

⁴Торешова Н. Эзийзим (Қосықлар топламы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 2009. – Б.29.

⁵Нурлеспесова Г. Ақ сағымлар. – Нөкис: Қарақалпақстан басмасы, 2011. – Б.3-4.

⁶Нурлеспесова Г. Ақ сағымлар. – Нөкис: Қарақалпақстан басмасы, 2011. – Б.21.

⁷Низанов М. Қосығым қосық. – Нөкис: “Билим” баспасы, 2019. – Б.17-18.

⁸Даўлетова Г. Гўзги толғаныслар (Қосықлар). – Нөкис: «Қарақалпақстан» баспасы, 2012. – Б.23.

1. Давр шеъриятидаги янгиланишлар мунтазамлиги жаҳон, рус ва ўзбек адабиётида эксперимент тарзида синовдан ўтган азим анъаналардан ўтганлиги

2. Ўзбек ва қорақалпоқ лирикасида юзага келган типологик ўхшашликлар икки халқ дил ришталарининг нақадар яқинлиги, азал-азалдан қавму қариндошчилик анъаналарининг мустаҳкамлиги.

3. Мазмун ва шакл, усул алоқадорлигида хиссий, поэтик тафаккур кирраларининг ҳамоҳанглиги, дунё шеъриятдан яхши хабардорлиги, туйғуларни тасвирлашда туркий халқлар дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашганлиги.

4. Ғоя, фикр мантиқий тараққиётида аجدодлар бошлаб берган анъаналарни изчил давом эттириш малакасининг қулай замин яратганлиги билан белгиланади. Масалан, ўзбек шоирлари каби қорақалпоқ ижодкорлари ҳам кўпинча чин севгини талқин қилишда муҳаббат бобида яратилган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” сингари ғоя, фикр мантиқий тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган дostonларга, улардаги анъанавий образ ва мотивларга таянишган.

Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг ўз яқин белгилари бор. Бизнингча, булар, асосан, қуйидагиларда кўринади:

1. Лирик қаҳрамон табиати ўзгарди, яъни дунёга, инсонга янгича назар ташлайдиган, ҳаётни ўзича тушуниб, бошқача англайдиган лирик қаҳрамон пайдо бўлди.

Тутилган ой, қадимги
фанорсан, анор.
Ёкут тўла қип-қизил
қанорсан, анор.
Гоҳо қорол, гоҳида
пуштисан, анор.
Ернинг қонга бўялган
муштисан анор.⁹

Ўзбек адабиётида анор ҳақида яратилган Увайсийнинг чистони, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоясидан ташқари, қанча-қанча шеърлар ижод қилинган. Уларда, одатда, анорнинг хотин-қизлар ё она қорнидаги гумона образида рамзийлаштирилгани, ёйинки меҳр-оқибат, оила тимсолида талқин қилингани кузатилади. Юқоридаги шеърда эса мана шу поэтик анъананинг новаторона янгилангани кузатилади. Унда мавжуд анъанадан чекинилган ҳолда, осмон фанари – тутилган Ойга, ёкут тўла қанорга, Ернинг қонга бўялган муштига ўхшатирилган. Лирик қаҳрамоннинг анорга мурожаати кўринишида яратилган бу шеърда бадиий адабиётда анорни рамзий образлантириш билан боғлиқ поэтик анъананинг бевосита янгиланганини,

⁹Шавкат Раҳмон. Очик кунлар. Шеърлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1084. – Б.20.

трансформацияга учраб, образ динамикаси юз берганини кузатамиз. Бундан муаллифнинг борлиқ ҳодисаларига энди оддий кўз билан эмас, чуқур мушоҳада, фикр ва туйғу уйғунлиги асосида теран, янгича нигоҳ ташлаётгани аёнлашмоқда. Дунёқараши кенгайганлигидан далолат қилмоқда. Натижада лирик қаҳрамон табиати ўзгаргани, энди у дунёга янгича назар ташлайдиган, ҳаётни ўзича тушуниб, ўзи англаган даражада тасвир ва талқин қилишга киришгани англашилмоқда.

2. Лирик қаҳрамоннинг ички оламини психологик ва психоаналитик таҳлил қилиш асосида кўнгил майли, турли сезим-сирлари, ҳис-туйғуларини беришга кенг ўрин ажратила бошланди. Шунинг учун шеърятда номи руҳий ҳолатларни ифода этган шеърлар кўп.

С.Сайид “Кўнгил” сарлавҳали шеърда анъанада бўлгани каби ишқсиз кўнгилни дардсиз кесакка эмас, бошқалардн фарқли ўлароқ, калишга ўхшатган:

Кўнгил ишқ учундир, муҳаббат учун,
Агар унда ишқ йўқ, калиш демакдир.¹⁰

Шоир демоқчи, эгасиз калишга ҳар қандай бегона киши оёғини суқиб кетавергани каби ишқдан холи кўнгилга ҳам ҳар ким кўз олайтириши мумкин.

3. Лирик қаҳрамон “мен”и, яъни субъективизми ифодаси меъёри ортди. Шоирлар кўп ўринларда “мен” орқали, яъни ўзи номидан сўзлайди, лекин бу “мен” ижод қонуниятларига кўра умумийлик касб этиб, умуминсоний “мен”га айланади. “Мен” ҳамма вақт юзада, шеър саҳнида бўлиши шарт эмас. Баъзан у яширин, парда ортида ҳам бўлиши мумкин”¹¹.

Мен – баҳорман.
Қировлардай тонг маҳалида...¹²

“Мен – баҳорман” деган таъкид Рауф Парфида ҳам кузатилади:

Мен – баҳорман – музлаган оташ –
Зулматнинг жизғанақ тонглари отган.¹³

Бу ўринда шоир руҳи билан зиддиятга киришган сўз моҳиятида олам ва одам муаммолари талқини марказий ўринга кўтарилган. Мазкур ҳолат У.Ҳамдам ижодида ҳам кўзга ташланади.

4. Лирик қаҳрамон шахси ва тили орқали жамиятда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган воқеаларнинг бемаъни(абсурд)лигини била туриб, унинг қобигида бегона, дахлсиздай яшашга мажбурликни

¹⁰ Сирожиддин Сайид. Кўнгил / Ватан абадий. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.51.

¹¹ М.Қўшжонов., С.Мелиев. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.65.

¹² Избосканов Ж. Оқ қушлар. – Нукус: Қарақалпақстан, 2014. – Б.44.

¹³ Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.127.

билдириш майли кучайди. Бунга Кенесбай Реймовнинг “Оқ мармар остидаги армонлар” балладаси”¹⁴ ёрқин мисол бўла олади. У ўтган асрнинг саксонинчи йилларида юз берган Афғонистондаги уруш воқеаларига, унда вафот этган қорақалпоқлик навқирон йигитлар хотирасига бағишланган. Афғонистондаги урушда ўн беш минг навқирон қорақалпоқ ўғлони нобуд бўлган. Шоир бу йигитларни ўша урушга рўбарў қилган давр раҳбарларига нисбатан “жон олар жаллодларим”¹⁵ иборасини қўллаган. Лекин ўз даврида халқ бундай ижтимоий-сиёсий ўйинларнинг бемаъни (абсурд)лигини билиб турса-да, унга қарши норозилик билдиришга кучи ва иродаси етмади. Натижада халқ мудроқдай, бу воқеалар гирдобиди бегона ва дахлсиздай яшайверди.

5. Шахс фожиасини келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий омиллар таҳлиliga кенг ўрин ажратилди. Хусусан, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларнинг ахборот технологияларига муккасидан кетиб бораётгани танқиди замонавий шеърятнинг муҳим ва долзарб мавзуларидан бирига айланган. Бу ҳақда қорақалпоқ шоираси Г.Даўлетова шундай мисраларни яратган:

Ҳэзир баллар бизлердей боп ойнамас,
Компьютерден басқа затты ойламас...¹⁶

6. Мавжуд тузум таъқибни туфайли лирик қаҳрамоннинг ўзи яшаб турган давр ижтимоий воқеликларини баъзан анъанавий, баъзан ноанъанавий рамз ва тимсоллар воситасида имплицит фош этиши кузатилади. Рауф Парфи “Мени ҳайданг, мени йўлатманг” шеърисида Ойга қараб увлаган ит образи орқали ўзи яшаб турган даври ижтимоий воқеликларини ноанъанавий, яъни имплицит тарзда фош этган. Халқда итнинг ойга қараб увлаши бирор жиддий фожиавий ҳолатдан дарак сифатида қабул қилинади. Г.Даўлетова шеърисида ҳам худди шу мотив учрайди:

*Ийтлер неге Айга қарай ўреди,
Ай қасына шыға алмасын биледи.*¹⁷

7. Анъанавий жанрлар орқали янгича фикрларни баён этиш, баъзан уларнинг оралиқ типларини яратиш ҳолатлари кузатилади. Қуйида халқнинг кинна айтимларига хос шаклдан, мотив ва образлардан маҳорат билан фойдаланилган:

Бағри ёмон баттолларга бор,
Қаҳри ёмон қаттолларга бор;

¹⁴Реймов К. Гумис нурлар (Қосықлар, баллада ҳам коркем аўдармалар). – Ноқис: “Билим”, 2018. – Б.40-45.

¹⁵Реймов К. Гумис нурлар (Қосықлар, баллада ҳам коркем аўдармалар). – Ноқис: “Билим”, 2018. – Б.49.

¹⁶Даўлетова Г. Ҳэзиргиниң балалары / Гузги толғаныслар (Қосықлар). – Ноқис: “Қарақалпақстан” баспасы, 2012. – Б.64.

¹⁷Даўлетова Г. Гузги толғаныслар (Қосықлар). – Ноқис: “Қарақалпақстан” баспасы, 2012. – Б.36.

Қон ялаган қассобларга бор,
Сўз ўйнаган каззобларга бор;
Имонидан кечганларга бор,
Бор-йўғини ечганларга бор;
Нега менга келасан, эй дард,
Нега менга келасан, эй ғам!¹⁸

Халқнинг даволаш магиясига ишончи асосида келиб чиққан кинналар инсоннинг сукдан, ҳасаддан орттирилган дардини ҳайдашга, кетказишга қаратилади.¹⁹ Юқоридаги матнда халқ кинналарида учрайдиган “Қон ялаган қассобларга бор” мисраси айнан сақланган, лекин бошқа мисралари шу оҳангда шоир томонидан қайта яратилган, фольклорлаштирилган. Натижада кинна жанри стилизацияси асосида фольклоризм ҳодисаси юзага чиққан.

8. Анъанавий мотив ва образлар орқали янги ғоялар баёни устуворлиги таъминланди. Масалан, Рауф Парфи “Ёраб! Кўзингни оч! Ҳиддат суринди” шеърида инсу жинс, сариқ алвасти образини стилизация қилиш орқали инсон руҳиятини мажруҳлайдиган ёвуз кучлардан огоҳ бўлишга чорлайди.²⁰

9. Инсон руҳий ҳолатларини ифода этувчи лисоний бирликлардан фойдаланишга, ўзига хос ташбеҳу эпитет яратишга интилиш сезиларли кечди. Масалан, Ш.Раҳмон умрни қумсоатга ўхшатса, С.Саййид умрни соғинч ва оғриқ деб сифатлайди, Г.Даўлетова эса уни мактабга менгзайди.

10. Поэтик нутқда гаплар бирмунча эркин қурилади, унинг таркибидаги синтактик бўлақлар ўрни инверсия асосида жойлаштирилади, ё атайлаб тушириб қолидирилади, ё такрор қўлланади. Шунингдек, тиниш белгиларидан ҳам атай фойдаланилмайди. Бунга Ш.Раҳмоннинг “Шеърият” шеъридан олинган қуйидаги мисраларни мисол қилиш мумкин:

Шеърият,..
Оғирдир кўзингга қарамоқ,
кўзларинг,
ўлдирар кўзларинг.²¹

Агар бу мисралар оддий гап кўринишига солинса, “Шеърият, кўзингга қарамоқ оғирдир. Кўзларинг ўлдирар” шаклидаги иккита содда гап намоён

¹⁸Шавкат Раҳмон. Очiq кунлар. Шеърлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1084. – Б.52.

¹⁹Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент: Истиклол, 2006; Ўраева Д. Кинна айтимларининг поэтикасига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.118-123.

²⁰Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.130.

²¹Шавкат Раҳмон. Очiq кунлар. Шеърлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1084. – Б.35.

бўлади. Биринчи гапда “шеърият” – сўзловчининг фикри қаратилган бўлак сифатида ундалмани, “кўзингга” жумласи воситали тўлдирувчи, қарамоқ эгани, оғирдир сўзи от кесимни ҳосил қилган. Иккинчи гапда “кўзларинг” сўзи эга, “ўлдирар” кесим бўлиб келган. Ҳар иккала гапда ҳам инверсия ходисаси кузатилади. Биринчи гапда “Оғирдир кўзингга қарамоқ”, иккинчи гапда “ўлдирар кўзларинг” жумлалари тузилиши инверсияга асосланган. Аниқроғи, уларнинг таркибидаги синтактик бўлақлар одатдаги тартибда эмас, ўзгарган тартибда жойлаштирилган.²² Аслида “кўзингга қарамоқ оғирдир”, “кўзларинг ўлдирар” дейиш тўғри тартиб эди. “Кўзларинг” сўзининг икки бор такроридан оҳангдорлик кучайган.

С.Ибрагимов шеърларига назар солсак, одатда, у мисраларни ё иккилик, ё учлик, ё тўртлик, ё бешлик кўринишида тизар экан, кўпинча кичик ҳарфли мисралардан фойдаланиши кўзга ташланади:

Мениң айтарым сол: бес күн дүньяда
кустай жеңил болып жүрсек болмай ма?²³

А.Қутбиддиннинг “Икки метафора” шеъри ҳам бу жиҳатдан эътиборни тортади:

Чироқ кўтаргунча – ўтади – ана –
Букчайиб – этагин – йиғади – кампир –
Минғирлар – тераман – тилла-дўлана
Эзгилаб – яхшилаб – қорийман – хамир²⁴

Бу шеърда ҳам поэтик нутқ бўлақлари эркин жойлаштирилган, синтактик бўлақларнинг ўрни инверсия асосида алмаштирилган, тиниш белгиларидан фақат “тире” қўлланган, холос. Лекин тирени қўллашда у билан боғлиқ белгиланган пунктуацион қоидаларга риоя қилинган эмас.

11. Ўзга тил сўзларидан фойдаланиш ҳолатлари учраб туради.
Масалан:

Тезден аўдарысып, курак *пачкисин*,
Ысырып жиберип солдат *шәпкисин*,
Физикасын жазғанларың аздай-ақ,
Сия төгип, *печеньениң пачкисин*,
Қызық зая еткен күнлер, анажан.²⁵

Диссертациянинг “**Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида миллий руҳнинг мазмун ҳам шакл уйғунлигидаги ифодаси**” деб номланган иккинчи бобини “Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида фалсафий фикр тадрижи

²²Inversiya. Qarang: O`rayeva D., Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug`ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo”, 2015. – B.63.

²³Ибрагимов С. Таңламалы қосықлар. – Нөкис: Билим, 2018. – Б.8.

²⁴Қутбиддин А. Бахтли йил: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.60-61.

²⁵Даўлетова Г. Ҳазиргиниң балалары / Гузги толғаныслар. (Қосықлар). – Нокис: “Қарақалпақстан” баспасы, 2012. – Б.114.

асослари”, “Ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятида мазмун ва шакл уйғунлиги”, “Ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятида фольклор, мумтоз ва жаҳон адабиети анъаналари синтези” номли фасллар ташкил этган.

Бизнингча, ўзбек ва қорақалпоқ шеърлятида фалсафий фикр тадрижи асослари:

- 1) ижтимоий ҳаёт воқеликларининг инсон онгига, кайфиятига рухий таъсири;
- 2) инсоният онг остида сақланиб келаётган мифологик дунёкараш;
- 3) миллий рух билан суғорилган маданий мерос, миллий қадриятларнинг инсон тарихий хотирасида яшаётганлиги;
- 4) буюк аждодлар мероси;
- 5) дунё тамаддунидаги адабий-эстетик тажрибалар таъсири;
- 6) тарих ва келажак ворисийлиги билан боғлиқ.

Замонавий шеърлят босқичини, унинг мавзу мундарижасини кузатар эканмиз, мавзу ва бадий шакл танлаши, ифода услуби жиҳатидан бир-биридан жиддий тафовутланадиган бетакрор истейдод эгалари бўй кўрсатаётганининг шоҳиди бўлдиқ. Чунки глобаллашув шароитида дунёни ҳис ва идрок қилиш тарзи янгилашиб бораётган иждокорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу хусусият ўзбек ва қорақалпоқ шоирлари – Шавкат Раҳмон ва Б.Генжемурод иждоидидаги Орол мавзусида ёзилган шеърлар мисолида далилланди. Шавкат Раҳмон шеърида кумтепалар ичида оловланиб, жизиллаб куйиб, талвасада тўлғониб ётган, кун сайин аҳволи хароблашиб, қуриб бораётган, худди жон таслим қилаётган одамдай осмонга мунгли боқиб ётган Оролга инсонларча ҳамдардлигини изҳор этган. Унинг бу ҳолатга тушишига қайси гуноҳи асос бўлганини пинҳона тафтиш қилган. Тиним билмай оҳ урган Оролнинг оҳи бошқа денгизларга етмайди, чунки унинг дардини эшитувчи, дардига чора қилувчи йўқ. Қолаверса, бу дард – унга нафси учун берилган жазо. Негаки, у минг йиллар давомида ютоқиб, Аму ва Сирдарёга раҳм қилмай, уларни доимий домига тортиб келган. Ҳа, Оролнинг қурий бошлашига нафс сабаб бўлди. Фақат бу Оролнинг нафси эмас, инсонларнинг кўп пахта олиш илинжидаги нафси эди.

Оролнинг қуриб бораётгани, уни кундан-кунга сахро домига тортиб, йўқ қилишга уринаётгани воқелиги Орол юрти фарзанди Б.Генжемурод шеърида янада таъсирчан ифода этилган.²⁶

Барча халқлар шеърлятида бўлгани каби қорақалпоқ замонавий шеърлятида ҳам фольклор, мумтоз ва жаҳон адабиети анъаналари синтези айрича намоён бўлади. Фольклорга хос афсона, ривоят, эртақ, қўшиқ, достон, латифа, маросим айтимлари, олқиш, қарғиш, мақол сингари жанрларнинг анъанавий шакл, сюжет, мотив, образлари қорақалпоқ шоирлари томонидан кенг даражада стилизация қилинганлигига ёки шеърлари мазмунига аналитик тарзда боғлаб кетилган, синтезлаштирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

²⁶ Генжемуродов Ю. Кўнглим менинг бир сирли осмон. Манба: www.ijod.uz. 2018 й.

Бунинг натижасида бетакрор фольклоризмлар вужудга келиб, халқ оғзаки ижоди давр шеърятини поэтик такомилга эриштирган омиллардан бири бўлганлигини далиллаб туради. Айтайлик, К.Реймовнинг хотин-қизларга бағишланган “Тилак” шеърисида халқнинг Наврўз билан боғлиқ олқишлари аналитик фольклоризм сифатида сингдириб юборилган ва улар воситасида шоирнинг аёлларга қаратилган эзгу тилаклари ифодаланган. Хусусан, йўқловлар руҳида яратилган шеърлар ўзига хос силсилани ташкил қилади. Г.Нурлелесованинг “Эрназар алакўз ҳақида толғау” шеъри халқ қахрамони Эрназарбий тўғрисидаги ривоятлар стилизацияси асосида яратилган бўлса, “Узатылып баратыр қызым” шеърисида қизини турмушга узатаётган она тилидан халқ кўшиқлари оҳангида ўғитлар баён этилган.

Алла қорақалпоқ тилида “хэйийў” деб юритилади. М.Жуманазарова халқ алласи оҳангида замонавий мазмундаги алла яратгани кузатилади.²⁷

Хэйийў балам, хей балам,
Жылай көрме сен балам.
Анаң отыр базарда,
Айланған алып сатарға...
Балам мениң балдайды,
Белине садақ байлайды.
